



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Исақов Муҳаммадрасул Муроджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 316-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480080>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2025
Accepted: 28th October 2025
Published: 29th October 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
идоралараро ҳамкорлик,
мувофиқлаштириш,
рақамли бошқарув, сунъий
интеллект.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида идоралараро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш тизимини такомиллаштириш йўналишлари ёритилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали иш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлар берилган.

Ҳозирги кунда жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш, жинойтчиликнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда давлат органлари фаолиятининг ўзаро мувофиқлашганлиги ва ҳамкорлик даражаси профилактика ишларининг натижадорлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички ишлар органлари, прокуратура, маҳалла тизими, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу жараён ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, соҳадаги айрим давлат органларининг иш шакли ва услублари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермаётгани кuzатилмоқда.

Айниқса, профилактика фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани, маълумот алмашинуви ва идоралараро мувофиқлаштиришнинг етарли даражада тизимлашмаганлиги соҳа самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида қабул қилиниб, бошқа давлат идоралари ва муассасалар томонидан бу фаолиятга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Натижада, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг манзилли ва тизимли амалга оширилишида маълум камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоралараро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, замонавий бошқарув ва мувофиқлаштириш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, ахборот алмашинуви тизимини такомиллаштириш ҳамда жойларда ягона профилактика сиёсатини амалга ошириш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Самарали мувофиқлаштириш тизимини йўлга қўйиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳолида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, жамиятда хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида идоралараро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш тизими қонунчиликда аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу соҳадаги муносабатлар асосан **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун** (2014 йил 14 май, ЎРҚ-371) билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб қўйилган. Унга ички ишлар органлари, прокуратура органлари, давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия, божхона ва солиқ органлари, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари, Экология қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги каби давлат тузилмалари киради.

Қонуннинг ушбу нормаси идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини белгилаб, ҳар бир органнинг профилактика соҳасидаги ваколати ва жавобгарлигини аниқ чегаралаб беради. Бу орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этишда ягона давлат сиёсати таъминланади.

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори** соҳадаги тизимли ислохотларнинг дастлабки асосий босқичини бошлаб берди. Ушбу қарор билан ички ишлар органлари фаолиятини жойларда жамоатчилик билан ҳамкорликка асосланган ҳолда ташкил этиш, профилактика инспекторлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда маҳалла институти билан узвий ҳамкорликда ишлаш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши**

курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, шунингдек қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишга қаратилган.

Қарорда давлат органларининг, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг профилактика соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб баҳоланиб, бу йўналишдаги фаолиятни қайта ташкил этиш зарурати таъкидланган. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш барча давлат идоралари

ва ташкилотларининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528-сонли қарори** Тошкент шаҳри мисолида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишнинг янги модели — идоралараро мувофиқлаштириш бошқармалари тизимини жорий этди. Бу қарор профилактика ишларини жойларда куч ва воситаларни бирлаштирган ҳолда самарали мувофиқлаштириш имконини берди.

Сўнгги йилларда соҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилиб, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори** орқали профилактика ишларида давлат ва жамоат тузилмалари ўртасида ахборот алмашинувини рақамлаштириш, ҳисоботларни ягона электрон тизим орқали юритиш ҳамда идоралараро ҳамкорликни автоматлаштириш бўйича янги механизмлар жорий этилди.

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли қарорда** жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва профилактика субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган янги вазифалар белгилаб берилди. Унда профилактика инспекторларининг маҳаллаларда фуқаролар билан яқин мулоқотини кучайтириш, профилактика ишларини “ҳар бир хонадон — эътиборда” тамойили асосида ташкил этиш вазифаси алоҳида таъкидланган.

Энг сўнгги босқичда, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сонли қарори** билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, идоралараро мувофиқлаштиришни ягона марказлашган электрон платформа асосида амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашишда тезкор маълумот алмашинувини йўлга қўйиш каби вазифалар белгиланди.

Юқоридаги қонун ва қарорлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати ва идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Улар асосида профилактика субъектларининг фаолияти бир тизимга солинди, масъулият ва вазифалар аниқ тақсимланди ҳамда соҳадаги ўзаро мувофиқлаштиришнинг янги ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар

Биринчи. Ягона интеллектуал маълумотлар тизимини жорий этиш.

Хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги асосий муаммолардан бири — маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш ҳамда идоралар ўртасида алмашиш жараёнлари етарли даражада тизимлаштирилмаганидир. Шу муносабат билан профилактика соҳасидаги барча маълумотларни бирлаштирувчи “Ягона интеллектуал ахборот тизими”ни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тизим сунъий интеллект орқали маълумотларни таҳлил қилади, хавф даражаси юқори ҳудудларни аниқлайди ва тегишли органларга автоматик огоҳлантирув юборади. Шунингдек, фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиб, уларни ваколатига кўра автоматик равишда тегишли органга йўналтиради. Бу инсон омилини камайтиради ва иш самарадорлигини оширади.

Иккинчи . Профилактика фаолиятини рақамли бошқариш тизимини жорий этиш.

Профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолаш ва мувофиқлаштириш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида сунъий интеллект (AI) асосида ишлайдиган рақамли бошқарув ва рейтинг тизимини жорий этиш тавсия этилади.

Ушбу тизим профилактика инспекторларининг кундалик фаолиятини, кўриб чиқилган мурожаатлар сонини, улар бўйича ҳал этилган натижаларни, ижобий ва салбий кўрсаткичларни таҳлил қилади. Натижада, AI орқали объектив ва шаффоф рейтинг шакллантирилади ҳамда самарали иш фаолияти кўрсатган ходимлар автоматик равишда рағбатлантириш тизимига киритилади.

Бу, ўз навбатида, инсон омилининг таъсирини камайтиради, баҳолашда холисликни таъминлайди ва профилактика фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширади..

Учинчи. Ахборот алмашишни интеллектуал автоматлаштириш.

Идоралараро ҳамкорликда маълумотлар алмашинувини тезкор ва аниқ қилиш учун **интеллектуал автоматлаштирилган платформани** йўлга қўйиш лозим. Сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиб, вазиятнинг долзарблигига кўра тегишли идораларга автоматик равишда йўналтиради.

Бу тизим тезкор чора кўриш имконини яратади ҳамда хуқуқбузарликлар хавфини олдиндан башорат қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш нафақат инсон омилини камайтиради, балки маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштиради. Бу эса профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш, идоралараро маълумот алмашинувини автоматлаштириш ва тизимли мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Шу билан бирга, AI асосидаги рақамли бошқарув тизимлари профилактика инспекторлари фаолиятини объектив баҳолаш, самарали ишлаётган ходимларни рағбатлантириш ва фуқаролар мурожаатларига муносабатни янада тез ва аниқ йўлга қўйиш имконини беради. Натижада, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жамиятда хавфсизлик муҳитини мустақамлашда янги сифат босқичига эришилади.

References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилдир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2024 йилдаги 801-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3528-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли қарори.
1. 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сонли қарори.